

Суданда юз нафар Қуръон ҳофизлари тақдирланди



11:28 / 18.01.2022 1658

«Ансор ас-Сунна ал-Муҳаммадийя» жамоаси Судан пойтахти Хартумда 100 нафар Қуръон қорилари шарафига маросим ўтказди. Бу ҳақда Al Nilin ахборот агентлиги хабар берди.

Уюшма бош котиби Абдул Менам Солиҳнинг айтишича, маросим университетнинг 100 нафар талабалари Қуръонни тўлиқ ёд олгани муносабати билан ташкил этилган.

Жамият олий таълим бўлими бош котиби Абдул Раҳмон Мусо ҳам маросимда Қуръонни ёд олган иқтидорли талабалар тақдирланганини айтиб, бу бошқа талабалар учун Аллоҳнинг каломини ёд олишга рағбат бўлганини таъкидлаган. Шунингдек, у Қуръон ўрганиш курсини ташкил

этишда ҳисса қўшган барчага ҳамда Қуръони Каримни ёдлаш устида сабр ва астойдил меҳнат қилган талабаларга миннатдорчилик билдириб ўтди. Қуръон ҳифзи ва Қуръон илмлари курслари давом этишини қўшимча қилди.

Хуршид Маъруф